ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2024/ № 1

Termiz – 2024

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda 1122 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 29.01.2024
Qog‘oz bichimi: 70x85
Bosma tabog‘i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog‘ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko‘chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Rasmiy sayt:
www.philologicalresearch.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV, iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY’ATI:

Bekpo‘lat Umurqulov, filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o‘rinbosari)
Shoxista Maxmaraimova, filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)
O‘ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Normat Yo‘ldoshev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Asqar Eshmo‘minov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O‘zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Shoira Amonturdiyeva, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Nargis Kurbanazarova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Zaynura Qodirova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To‘raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 29.01.2024
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
www. philologicalresearch.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ, доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)

Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)

Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)

Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)

Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)

Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)

Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нормат Юлдашев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Бобоназар Муртазаев, ф.ф.н., доцент (Узбекистан)

Аскар Эшмуминов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)

Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)

Зафар Умуркулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Ахад Шукуров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Абдумурод Арслонов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Сирожиддин Турдимуродов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Шоира Амонтурдиева, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Наргис Курбаназарова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Муяссар Холова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Зайнура Кадирова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 29.01.2024
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
www.philologicalresearch.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, PhD (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, PhD (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, PhD (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, PhD (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, PhD (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, PhD (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, PhD (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, PhD (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, PhD (Uzbekistan)
Shoira Amonturdieva, PhD (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, PhD (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, PhD (Uzbekistan)
Zaynura Kadirova, PhD (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

SOBIROV ABDULHAY SHUKUROVICH
Globallashuv jarayonlarida o‘zbek tilining tutgan o‘rni 7

FAYZIYEVA XADICHA CHORUYEVNA
Boysun-Sho‘rchi o‘zbek shevalarida
qon-qarindoshlikni bildiruvchi atamalar 11

ШУКУРОВ АБДУЛАХАД АХМАДОВИЧ
Поэтик матнда форс-тожикча
ўзлашмаларнинг қўлланилиши..... 15

SIDDIQOV JAHONGIR NOSURULLOYEVICH
Ichki imkoniyat asosida yasalgan
ergonimlarning lingvistik tadqiqi..... 18

HAQBERDIYEVA SAGINA SHOMUROT QIZI
“O‘zbek tilining izohli lug‘ati”da berilgan
dizayn terminlari haqida mulohazalar..... 22

XAYDAROVA DILNOZA
Milliy qandolatchilik terminologiyasiga doir..... 25

BOYNAZAROV ISLOM
Development of some philosophical
terminology in uzbek and english languages..... 28

МУНДАРИЖА

ADABIYOTSHUNOSLIK

КУРБОНОВ АБДУМАЛИК
Навоий ижоди бўйича илмий қарашлар
(Айшеҳан Дениз Абикнинг тадқиқоти мисолида)..... 32

DJURABAYEVA ZAMIRA AXMEDOVNA
Zahiriddin Muhammad Boburning hayoti va
faoliyati – ibrat maktabi 35

NIGORA ESANOVNA ERKINOVA
Eshqobil Shukur she’rlarida badiiy san’atlar va
ularda leksik birliklarning qo‘llanish xususiyatlari..... 38

PROFESSOR JABBOR OMONTURDIYEV..... 42

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 1
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

НАВОИЙ ИЖОДИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР (Айшеҳан Дениз Абикнинг тадқиқоти мисолида)

Курбонов Абдумалик,
Самарқанд давлат университети
мустақил тадқиқотчиси

Маълумки, бугунги кунда адабиётимизнинг атоқли намояндалари ҳаёти, илмий-ижодий меросини жаҳон адабиётшунослиги контекстида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Туркияда Навоий ижодининг ўрганилиши борасида тадқиқот олиб борган навоийшунос олима, Чуқурўва университети фан адабиёт факультети турк тили ва адабиёти бўлими профессори Айшеҳан Дениз Абикнинг қайд этишича, Алишер Навоий асарларининг орасида "Муншаот" асари туркий иншонинг, туркий мактубларнинг форсча билан бўйлаша оладиган даражада эканлигини исботлаш учун қаламга олинган ва тўпланган.

Навоийшунос олима Айшеҳан Дениз Абик Навоийнинг "Муншаот" асари бўйича тадқиқотлари юзасидан 2021 йилнинг 5-6 февраль кунлари Тошкентда ўтказилган "**Алишер Навоий дунё шарқшунослари нигоҳида" мавзусидаги Халқаро илмий конференцияда ўз маърузаси билан қатнашди** [1].

Бу ихчам тадқиқот муаллифи Навоий қаламига мансуб мактубларнинг муншиёна услубнинг фарқли мавзуларда қандай қўлланилишини кўрсатишини, тўпламдаги мактубларнинг бир қисми ҳақиқатан хат вазифасини бажарганлигини таъкидлар экан, улардан бири Султон Ҳусайн Бойқаронинг тўнғич ўғли Бадиъуззамон мирзога ёзган мактубига алоҳида тўхталади ва унинг мисолида Навоийнинг мактуб ёзиш маҳоратини очиб беришга ҳаракат қилади. Олима дастлаб Тўпқопи куллиётида Т792а18-Т793а17-рақам остида сақланаётган ушбу мактуб ўзидаги "Адиб Аҳмаддан" қайди остида берилган тўртлик билан алоҳида аҳамиятга эгалигига диққатни тортади ва буни Адиб Аҳмад Югнакийнинг Навоий замонида ҳам таниқли эканлигининг бир исботи сифатида баҳолайди. Тадқиқотчининг таъкидлашича, бугунгача фанга маълум бўлган "Ҳибат ул-ҳақойиқ" нусхаларида бу тўртликнинг мавжуд эмаслигини, шу билан бирга, мактубдаги Адиб Аҳмаднинг номи ва тўртлигининг келтирилиши Навоий замонида ва кейинги даврлардаги бошқа асарларда ҳам "Ҳибат ул-ҳақойиқ", "Қутадғу билиг", "Девону луғотит-турк" каби қорахонийлар туркчаси даври асарлари излари учрашини англатади. Бу ҳолат исломий турк адабиётининг илк даврига мансуб асарларнинг хотираларда давомийлигини кўрсатади. Яна бу мактубда Аҳмад Яссавийнинг халифаларидан Ҳаким Сулаймон Боқирғонийдан ҳам сўз боради, унинг айтганларидан намуна берилади [2].

Олима бу асардан Навоийнинг Султон Ҳусайн Бойқаро билан ўғиллари орасидаги турли масалалар таҳлилида фаол рол ўйнаганлиги англашилишини таъкидларкан, Навоийнинг одамийлиги ва муносабатларни тартибга солиш тажрибаси унинг мирзолар орасида эътиборли бўлганлигини кўрсатишини айтади.

А.Д.Абик юқорида келтирилган мактубда Навоий Бадиъуззамон мирзонинг тўғрисида отаси Султон Ҳусайн Бойқаронинг исмини ёздирмаганини кўргач, уни танқид қилгани ҳақида маълумот бераркан, Навоийнинг султонларни буюк Тангрининг танланган ва қадрли қуллари эканлиги, уларнинг Тангрининг амрларига ва пайғамбарнинг сўзларига мувофиқ ҳаракат қилишларидан мирзони огоҳ этиб, унга буюк Тангри розилигини ота розилиги билан, буюк Тангри ғазабининг ота ғазаби билан алоқада эканлигини эслатишини қайд этади. Навоийнинг Бадиъуззамондан: "Шундай экан, одам нима учун ота розилигидан бошқача ҳаракат қила олиши мумкин?" – деб сўраркан, унга насиҳат қилганлигини келтиради.

Олиманинг фикрича, Навоий Ҳаким Сулаймоннинг "ота – қодири қайюм, она – розиқи мақсум" деган ўгитини Бадиъуззамон мирзога отасига ҳурмат кўрсатиши, уни муносабатлар давомли бўлиши учун намуна сифатида келтиради. Бундан тадқиқотчи олима Аҳмад Яссавийнинг энг

[1] Abik A.D.Ali Şir Nevâyî'nin münşeat'i ve münşeat'tan bir mektup/Алишер Навоий дунё шарқшунослари нигоҳида. Халқаро конференция илмий тўплами. – Тошкент, 2021. – Б. 127-129.

[2] Abik A.D., кўрсатилган асар. – Б. 127.

муносиб шогирди Ҳаким Сулаймоннинг ҳам ўз замонасида, ҳам кейинга даврларда Туркистон ва шимолий турк халқларида катта шуҳрат қозонганлигини билиш мумкин, деган хулосага келади ва буни Боқирғоний шеърларининг элдан элга тарқалганлигини, XIX асрдан эътиборан кўплаб маротаба чоп этилгани маълумлиги, Навоийнинг мактубидаги ўгит ўша даврда ҳам Боқирғонийнинг машҳурлигини кўрсатаётганлиги билан исботлайди. Бу янада ишончли бўлиши учун Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида ёзгани каби “Муншаот”да ҳам унинг ўгитидан мисол келтириб, XII аср мутасаввуфи Ҳаким Сулаймон Ота сўзларининг ўз замонида кенг қўлланилганлигини кўрсатаётганлигини келтиради.

Олиманинг қайд этишича, Навоий Бадиъуззамон мирзога фарзанднинг отага итоат қилиши лозим эканлигига мисол қилиб, Адиб Аҳмад қаламига мансуб қуйидаги тўртликни келтиради:

Атодин хато келса, кўрма хато,
Савоб бил хато дағи қилса ато.
Атонинг хатосин билгил савоб,
Сени юз балодин қутқаргай Худо.

Олима туркиялик таниқли адабиётшунос Рашид Раҳмати Арат бу тўртликнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарида учрамаслигини қайд этганлигини келтириб, мазкур мактубнинг бадиий ва илмий қимматини тўла очиб беришга интилади ва Адиб Аҳмаднинг бугунги кунгача етиб келган биргина “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асари маълумлигини ҳисобга олиб, Навоийнинг “Муншаот”и орқали етиб келган бу тўртликнинг нақадар аҳамиятга эгалиги маълум бўлишини қайд этади [1].

Олима шунга эътиборни қаратадики, Навоий ўзининг Бойқаро ва Бадиъуззамонга яқинлигига таянган ҳолда, Султон Бойқаронинг ўғли Бадиъуззамонни нечоғли қадрли тутишини ўзи гувоҳ бўлган мисоллар билан муфассал баён этаркан, бундан мақсади Бадиъуззамоннинг отасига нисбатан ҳурматида қусур бўлмаслигини англатиш эди.

Олима Навоийнинг мактуби давомида Бойқаронинг Амир Темурнинг тўртинчи авлоди эканлигига қарамай, ҳалигача султон (Ҳусайн Бойқаро)нинг ҳар жума куни хутбада Амир Темурнинг ҳаққига дуо қилишини кўрсатаркан, Бадиъуззамоннинг туғросидан отасининг исмини чиқарганлигини ярашиқсизлигини тилга олганлигини таъкидлайди. Навоийнинг Бадиъуззамоннинг буни билган ҳолда қилгани янглиш бир муносабат эканлигини, четда маълумот чиқарган ёзувчининг хатоси эса ёзувчиларнинг ёзганларини тафтиш қилмасдан қабул қилиш хато бўлишини таъкидлаганини қайд этади. Навоий Бадиъуззамонга Ироқдан Маккагача ёки Мағрибга қадар ўлкаларни фатҳ этмоқчи бўлса, отасига бўлган ҳурматидаги қусурининг қабул этилмаслигини тушунтирганини, отасини ожиз билиб, уни менсимаслик қусурининг фарзандга ярашмаслигини, аксинча, фарзанднинг отаси ожизлигида унга қувват бўлиши лозимлигини, Тангрининг бундай фарзанддан рози бўлишини айтганлигига юқори баҳо беради [2].

Навоий Бадиъуззамон мирзога отасига қарши муносабатидан ўзи нечоғли хавотирда эканлигини ифодалар экан, буни қуйидаги бир жумла билан тасвирлайди: “Бу қулнинг жони куйганда ўзгаларнинг этаги куймас”. Олима бу жумланинг мақол жанрига мансублиги ҳақида ўз фаразини баён қилса-да, бу ҳақда манбаларда бирорта маълумот тополмаганини қайд этади.

Олиманинг фикрича, Навоий Бойқаронинг истаги билан бу мактубни ёзганлигини Бадиъуззамон тушуна билишини хоҳлайди, аммо бу мактубдан Ҳусайн Бойқаронинг хабари йўқлигига Тангрининг гувоҳ эканлигини уқтиради. Мактубнинг Султоннинг амри билан ёзилмаганини айтган Навоий Бадиъуззамон хизматида бўлганидан бахтиёрлиги билан ўзини масъулиятли ҳис этиб, бу мактубни ёзганлигини изоҳлайди.

Олима Навоий мактуби учун “арзадошт” атамасини қўллаганлиги ҳақида маълумот беради ва Навоий арзадоштида Бадиъуззамонга Ҳом ва Нуҳ мисолида отасига ҳурматсизлик қилгани натижасида Нуҳнинг дуоси билан Ҳомнинг наслидан пайғамбарлар чиқмаслигини эслатганини таъкидлайди.

Тадқиқотчининг фикрича, мактубда барча эслатмалар орасида давридаги воқеа-ҳодисаларнинг Навоий тилидан тушунтирилгани кўринади. Мактуб Бадиъуззамон фаолиятидан маълумот беради.

Олима мазкур мактубда Навоий Бадиъуззамоннинг отасига қарши яна бир хатосини, яъни бир давлат арбобининг соқолини кестиргани эканлигини айтганлигини таъкидлайди. Олиманинг маълумот беришича, соқол кестиришни жазолашнинг бир усули сифатида Амир Темур татбиқ этганлиги тушунилса, Навоийнинг Бадиъуззамоннинг бундай ҳадди бўлмаган жазо турини қўллашига муносабати англашилади.

Тадқиқотчининг келтиришича, Навоий Бадиъуззамон мирзога “...китобимда насиҳатномалар назм қилиб арзингизга еткурубмен”, дея тўғридан-тўғри насиҳатда бўлганлигини ифода этади.

[1] Arat, Reşit Rahmeti. Atebetü'l-Hakayık, Türk Dil Kurumu Yayınları. – Ankara, 2006.

[2] Abik A.D., кўрсатилган асар. – Б. 128.

Бу насиҳатларни нимадан бўлганини ҳам Бадиъуззамон мирзонинг отасига итоат борасида ғофилларча иш тутганлиги бўлганини ёзади.

Олима Навоийнинг Бойқаро ўғиллари орасидаги тушунмовчиликлар ва уларнинг оқибатида юзага келган низоларни бартараф қилишдаги ролини Бобурнинг "Бобурнома"[1] асарида ҳам учраши тадқиқотчилар томонидан қайд этилганини айтади ва бу маълумотлар Навоийнинг Бадиъуззамонга мактуб ёзадиган даражада яқинликда бўлганини кўрсатишини таъкидлайди.

А.Д.Абик бу ихчам тадқиқотини Мир Алишер Навоийнинг туркий тилдаги "Муншаот" асари ўз қурилиши, санъат мақсади билан ёзилган мактублари, яъни даврининг тарихига таниқли бўлган ҳақиқий мактубларининг борлиги бу асарни тарихий матн сифатида бебаҳо қийматга эгалигини кўрсатади ва, албатта, Навоийнинг буюклигини туркий тилни ҳаётининг ҳар соҳасида, мактубларининг ҳар майдонида қонуний билиб қўллагани бу асар яна бир бор исботлайди, деган фикр билан хулосалайди[2].

Алишер Навоийнинг тарихий асарлари саналганида, "Тарихи анбиё ва ҳукамо", "Тарихи мулуки Ажам" ва "Зубдат ут-таворих" асарлари тилга олинади. "Тарихи анбиё ва ҳукамо" билан "Тарихи мулуки Ажам" Навоий куллиётида учрайди. *Бироқ* "Зубдат ут-таворих" асари на Навоийнинг бизгача етиб келган куллиётларида, на Навоий мажмуаларида, на мустақил ҳолда учрамайди. *Шу сабабли тадқиқотчилар уни Навоийнинг бизгача етиб келмаган бир асари сифатида қайд этадилар*[3]. Навоийнинг бу номдаги асари борлигига доир ягона таянадиган нарса унинг икки марта "Зубдат ут-таворих" номини тилга олганлиги саналади[4].

Хулоса қилиб айтганда, Навоийшунос олиманинг фикрича, Алишер Навоий Бадиъуззамон мирзо олдида Ҳусайн Бойқаро қадрини кўтараркан, ота ва ўғил ўртасида муҳаббат азалдан мавжуд эканлигига ишорат этиб, улар ўртасидаги муносабатларининг бу муҳаббатга уйғун бўлиши ҳақида сўзлайди. Отаси билан орасида кучли бир меҳр ришtаси билан боғланиши бўлмаган бошқа мирзоларни мисол келтириб, уларни солиштираркан, Бадиъуззамоннинг у мирзоларга ўхшамаслигини айтади. Навоийнинг эътирофича, у тўнғич фарзанд сифатида отасидан шафқат кўрган мирзодир, шу сабабли буюк мутафаккир унга оталаридан қизиқиш кўрмаган бошқа мирзолар каби бўлмаслиги лозимлигини уқтирганлигини таъкидлайди.

Resume: In the article, the scientific views of Ayshekhan Deniz Abik, professor of Turkish language and literature department of Faculty of Science and Literature of Chukurova University, who conducted a research on the study of Navoi's works on the literary environment of Turkey, are analyzed. It is revealed through examples that the scientist is considered one of the researchers who conduct extensive research on the life and work of Navoi in Turkey, and that his research is a new perspective in the world of literature.

Резюме: В статье анализируются научные взгляды Айшехана Дениза Абика, профессора кафедры турецкого языка и литературы факультета науки и литературы Университета Чукурова, который провел исследование по изучению творчества Навои о литературной среде Турции. На примерах выявляется, что ученый считается одним из исследователей, которые проводят масштабные исследования жизни и деятельности Навои в Турции, и что его исследования представляют собой новую перспективу в мире литературы.

[1] Arat R.R. Gazi Zahirüddin Muhammed Babür Vekayi Babür'ün Hatıratı I-II, Türk Tarih Kurumu. – Ankara, 1987.
[2] Abik A.D., кўрсатилган асар, 129-б.
[3] Abik A.D., кўрсатилган асар, 29-б.
[4] Abik A.D. Ali Şir Nevai'nin Zübdetü't-tavorixi üzerine. – Ankara, 1993. – Б. 7-21.